



Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

30 NOYABR

№34

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
2-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
34-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-2**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
34-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-2**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

1. Равшанова Гулҳаё Абдиқаҳаровна

РИВОЖЛАНГАН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ ИНСТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ 7

2. Акилова Ўғилхон Мирзапаясовна

ГЛОБАЛАШУВ ШАРОИТИДА ЖАМИЯТ МАҶНАВИЙ ҲАЁТИ. 9



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

РИВОЖЛАНГАН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛАРИНИНГ ЎРНИ

Равшанова Гулҳаё Абдиқахаровна
ТИҚХММИ докторантни

Аннотация. Мазкур мақолада ривожланган Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожлениш тарихи, уларнинг жамият тараққиётига тасири тадқиқ этилган. Шу билан бирга фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асосий тамойиллари ва йўналишлари ёритилган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, модернизация, ижтимоий сиёсат, бозор муносабатлари, ижтимоий шериклик, ўзини ўзи бошқариш.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб фуқаролик жамияти “янги жамият” қуришнинг намунаси сифатида дунёдаги барча мамлакатлар халқларида қизиқиш уйғота бошлади. Бу борада ривожланган Шарқ мамлакатлари хусусан, Япония, Хитой, Сингапур каби давлатлар фуқаролик жамияти қуриш тараққиётида ўзига хос тарихий тажрибага эга бўлиб, бу уларнинг бутунги ривожланиш даражасига эришишларида муҳим аҳамият касб этади. Японияда фуқаролик жамиятини аниқ белгиларини намоён этувчи қарашлар асосан XIX асрнинг охирларидан бошлаб илгари сурилган. Японияда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши 1946 йилги Конституцияда белгилаб қўйилган тамойилларга таянади. Унда конституциявий парламент монархияси белгиланган бўлиб, Япония Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ, император давлат ҳамда миллатнинг бирдамлиги рамзи ҳисобланади [1]. Бироқ амалда император давлат сиёсати масалаларини мустақил ҳал қилишдан четлаштирилган. Японияда ривожлантирилаётган фуқаролик жамияти — онгли ва масъулиятли фаолият юритиш [2] тамойилига асосланган. Шунингдек, — давлат - иқтисод (бозор) - фуқаролик жамияти модели устувор аҳамият касб этади.

Японияда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ННТлар орасида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли дастур ва лойиҳаларни эълон қилишни кўзда тутувчи танловларни ўтказиш хуқуқига эга. Ҳозирги даврда Японияда фуқаролик жамияти институтлари асосан қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ижтимоий сармояларни шакллантириш ва кўпайтириш;
2. Аҳолига нисбатан қўлланилаётган ижтимоий хизматларни кенгайтиришни қўллаб қувватлаш;
3. Жамиятдаги турли мақсадли фаолият билан шуғуланаётган муайян гурухларни қўллаб қувватлаш ва меҳнат уюшмалари фаолиятини кенгайтириш;
4. Японияда худудий ассоциациялар фаолиятини кучайтириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш;
5. Японияда мавжуд сиёсий тизим ва партиялар фаолиятини такомиллаштириш;
6. Давлат ва бозор муносабатларидан мустақил бўлган истеъмолчилар жамиятини ривожлантиришга эришиш;
7. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ахоли саломатлигини яхшилаш ва мавжуд демографик муаммоларни оқилона ҳал этиш;
8. Глобал молиявий-иктисодий инқироз ва экологик муаммоларни тадқиқ этувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштириш ва х.к.

Япониядан фарқли равишда Хитойда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ретроспектив хусусиятлари ва сиёсий ислоҳотлар тадрижи бу худуда яшовчи инсонларни



фуқаролик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бунда энг муҳим нарса шуки Хитойда фуқаролик жамияти тизимида «бозор» ва «ижтимоий» соҳани ўзаро алоқадорликда босқичма-босқич ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Хитойнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиши фуқароларда фуқаровий онг ва фуқаролик маданиятини тарбиялаш, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш ва демократияни ривожлантириш билан характерланади. Хитой социологларининг фуқаролик жамияти тушунчасига муносабати ҳам ўзига хосdir. Чунки бу мамлакатда фуқаролик жамияти нодавлат ва давлатдан ташқари ташкилотлар сифатида жамоавий ўз-ўзини бошқариш асосни ташкил қилади [1]. Уларнинг фикрича, фуқаролик жамияти – аста-секин қудратли давлатнинг бозор ва ижтимоий муносабатлар соҳасидан четлаштирилиши, фуқаролик жамиятининг муҳим компонентларидан бири фуқаровий-ижтимоий ташкилотлар каби шакллариниши ва ривожланиши билан боғлиқdir. Хитойда мавжуд бўлган барча шаҳар ва микрорайонларни жамоат ташкилотлари саъий ҳаракатлари билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ташкилотларнинг демократик ўз-ўзини бошқариш асосларининг яратишдаги ўрни бекиёс ҳисобланади. ҳисобланади. Бу давлатда фуқаролик жамияти жамоавийлик тамойилига асосланган ҳолда ривожлантириб борилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий-сиёсий барқаорликни таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда давлат ва жамият муносабатларини модернизация қилишда муҳим ўринни эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/dictionary?word=ЯПОНИЯ>
2. Мавлонов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ): монография / Ж.Мавлонов. – Ташкент: Истиқлол нури, 2014. – 224 с.
3. Литвинов О.В. Китайский путь к демократии. - М.: Научная книга,



ГЛОБАЛАШУВ ШАРОИТИДА ЖАМИЯТ МАЊНАВИЙ ҲАЁТИ.

Акилова Ўғилхон Мирзапаясовна

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
машиналарини механизациялаш
институти таянч доктаранти

Аннотация. Ушбу мақолада глобаллашувнинг миллий мањнавиятга таъсири ҳамда глобаллашув шароитида жамият мањнавий ҳаёти, тараққиёт қонуниятлари ўрганилган. Жамиятни модернизациялашда мањнавиятнинг ўрни ва роли атрофлича тадқиқ этилган. Мавзу юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, мањнавият, фуқаролик жамияти, модернизация, интеграция, миллат, “оммавий маданият”, мафкуравий иммунитет, ахборот хуружи, техноген маданият.

Миллатлар ва халқлар тарихий ривожида мањнавият алоҳида аҳамият касб этиб, уларнинг мавжудлиги, инсоний фазилатлари, ижтимоий макондаги ўрни ва масъулиятигининг асоси бўлиб хизмат қиласи. Шундай экан, бугунги кунда ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида мањнавий интеграция жараёни, миллий, минтақавий ва умумбашарий муаммолар ечимида муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев жамият тараққиётида мањнавиятнинг ўрнини чуқур таҳлил қилиб, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи мањнавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли мањнавият” (1), деб таъкидлаб ўтди.

Барчамизга маълумки, жаҳон жамоатчилиги ёшлар билан боғлиқ барча глобал муаммолар (қашшоқлик, саводсизлик, техник қарамилик, ёт ғоялар таъсирига берилиш, ватанпарварлик туйғуларидан узоқлашиб бориши, бандлик ва ишсизлик, миграция ва бошқалар)нинг сабабларини ўрганиш ва олдини олишнинг энг мақбул йўли сифатида ёшлар мањнавиятини юксалтириш, умуминсоний ва миллий мањнавий қадриятларга мос равишда тарбиялаш долзарб аҳамият касб этишини эътироф этмоқда. Зоро, инсоният ҳозирги вақтга келиб мазкур муаммоларни, фақат мањнавиятни ривожлантириш орқали ҳал этиш мумкинлигини англаб етмоқда. Кўпчилик тадқиқотчилар глобаллашув жараёнининг дастлабки пайтларида асл моҳиятини яхши тасаввур эта олмаганлари учун, глобаллашувга эркин савдо йўлидаги тўсикларни олиб ташлайдиган ва барча миллий иқтисодиётни жамул жам қиладиган (интеграллайдиган) ижобий ҳодиса деб қараган эдилар. Бу ҳақида Энтони Гидденс шундай дейди - “Ҳозирги ўзгаришларнинг натижаси янги глобал савдо тармоқларнинг – мамлакатлар ва компанияларни бир-бири билан боғлаб турадиган иқтисодий алмашув шаклларининг вужудга келиши бўлди. Одатда бундай иттифоқлар ер юзидағи жуда катта минтақаларни бирлаштириб туради ва ҳар бир шундай блок билан иқтисодий мусобақага киришади. 1992 йилда Европа жамияти доирасида савдо сотиқни либераллаштириш жаҳонда энг йирик савдо зонасининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозир у 324 миллинога яқин кишини ўзига жалб этган. Кейинги йилларда у яна кенгайиб кетса керак”(2).

Бироқ бугунги кунда бу глобаллашув фақат ривожланган мамлакатларга фойда келтириб, ривожланётган мамлакатларга, айниқса, жуда камбағал мамлакатларга инқироз олиб келувчи ҳодиса экани маълум бўлди. Бунга нисбатан рус файласуфи И.И.Беляев ўз муносабатини билдириб, - ...глобаллашув бошқа мамлакатлар ижтимоий – мањнавий ҳаётига салбий таъсир қилиши мумкин” (3) – деб эътироф этади. XXI асрнинг реал воқелиги, “цивилизацион интеграциялашув”, “оммавий маданият” кишилар, миллатлар, халқлар, давлатлар, умуман инсониятнинг мањнавий ҳаёт ҳақидаги қарашлари, концепциялари, фикрлари ўртасидаги муносабатлар ғоят мураккаб, ҳатто, айрим ҳолларда, зиддиятлилигини намоён қилмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда кечеётган цивилизацион тараққиётнинг ёшлар тарбиясига таъсирини ўрганишда мутахассис олимлар ва кенг жамотчиликни ташвишлантираётган масалалардан бири бу “оммавий маданият” бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўз вақтида мазкур муаммоларни ҳал этиш бўйича ран-баранг илмий-назарий концепциялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмасдан, аксинча



долзарбилиги ортиб бормоқда. Шундай қилиб, биринчидан, XX асрнинг сўнгги йиллар ва XXI асрнинг бошларида вужудга келган кўп қутблилик ва мафкуравий плюрализм, “глобал савдо тармоқлар”, “цивилизацион интеграциялашув”, “оммавий маданият” дунёнинг ўзаро диалектик алоқа ва зиддиятлар бирлиги асосида ҳаракат қиласиган улкан, ўзаро бир-бирига таъсир этиш кучига эга бўлган система сифатида фаолият кўрсатишни тақозо қилмоқда. Иккинчидан, бужараённинг ривожланишқонуният ватамойиллари, баъзимутахассисларнинг фикрига кўра, “бутун жаҳонда иқтисодий ва маданий маконнинг пайдо бўлишига ҳамда дунё миқёсидаги ягона инсоний муштаракликнинг вужудга келиши..., умумжаҳон ягона ахборот алмашув маконининг барпо этилиши кишилик цивилизациясининг янги шакли юзага келишига олиб боради” – деган тахминларни илгари суришга асос бўлмоқда. Аслида бунинг замираша космополитик ёндошув ва мақсадларнинг мавжудлиги, тарихий ўтмиши узоқ, миллий қадриятлари бой ва эртанги келажаги буюк бўлган мустақил давлатларнинг эртанги куни ва ёшлари истиқболига таҳдид солиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, доимий огоҳликни унитмасдан яшаш лозимлигини барчамиз англаб турибиз. Ушбу зиддиятли нуктаи назардан келиб чиқиб бугунги кунда жамиятимиз ёшлар маънавияти ва маданияти, онги ва тафаккури билан боғлиқ бўган масалаларни ҳар томонлама чўкур ўрганиш, илмий тадқиқотлар ўтказиб бугунги ташқи таъсилардан химоя қила оладига изаляцион механизмни яратишимиш давр талабига айланиб бориш билан бир вақтда, давлат ва жамият маънавий ҳаёти ва тараққиётини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ушбу соҳада амалга ошираётган илмий тадқиқот ишларида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- биринчидан, техноген маданият тобора кучайб бораётган ҳозирги даврда, ёшларни “техника қули”га айланиб қолмаслиги учун уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш лозим;

- иккинчидан, таълимнинг барча босқичларида оила, таълим муассасаси ва жамоатчилик ҳамкорлигининг мустаҳкам механизmlарини ишлаб чиқиш амалга тадбиқ этиш зарур;

- учинчидан, оммавий ахборот воситалари, хусусан телвединиенинг маънавий фаолиятини кучайтириш, маънавий-маърифий, ахлоқий йўналишдаги дастурлар сонини ошириш лозим;

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларда маънавий-ахлоқий инқизорни келтириб чиқарувчи омилларни замон руҳидан келиб чиқиб илмий тадқиқ этишда юқоридаги таклифларга эътибор қаратиш, ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиб қолмасдан, мавжуд илмий тадқиқотлар давлат ва жамият, қолаверса умуминсоний манбаатларга йўналтирилган мақсадли илмий иш деб эътроф этилган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. https://www.uza.uz/uz/posts/manaviyat-zhamiyat-hayotining-zhoni-varguhidir_236370.
2. Гидденс, Э. (2002). Социология. Олий ўқув юртлари учун ўқув қулланма. Шарқ.
3. Беляев, М. (2007). Концепция национального государства. Милогия.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЗАКІЛДІКТАРЫ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(2-қисм)

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 30.11.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000